

ТЎХТАСИН ЖАЛИЛОВНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИ ОРҚАЛИ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ.

Йўлдошали Ботиров

ТДПУ доценти в.б., PhD.

Аннотация: Мақолада Тўхтасин Жалиловнинг ижодий меросига атрофлича тўхталиниб, бу орқали мусиқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш масаласи ва ундан фойдаланиш имкониятлари баён қилинган.

Калит сўзлар: Миллий қадрият, ижтимоийлашув, бастакор, методологик тамойиллар, педагогик имкониятлар, ижодий сифатлар, урф-одатлар, адабиёт, фольклор, шахс, ўқитувчи

Миллий қадриятларга асосланган таълим - тарбия тарих, миллий маданият, анъаналар, урф-одатлар ва менталитетдан келиб чиқиб шахснинг ривожланиши, унинг ижтимоийлашувига кўмаклашади. Миллий маданият, унинг замонавий ҳолати тарихий ретроспектива ва перспективада таълим тизимининг асосига айланмоқда. Шу маънода айтиш лозимки, мавзу объекти бўлмиш, ўзбек мусиқа санъати ижодкорларидан Тўхтасин Жалилов нафақат созанда- хонанда, бастакор балки санъат соҳасидаги ўзининг 50 йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида юзлаб шогиртлар етиштирди. Улар орасида созанда, хонанда, бастакор ва бир неча сахна усталаридир. Уларнинг бариси ўз даврининг етук санъат маданиятимиз номояндаларига айландилар. Кўплари устоз фаолиятининг давомчилари сифатида ўзларини намоён этдилар. Комилжон Жаббор машҳур созанда бастакор сифатида бир неча куй-қўшиқлар ва мусиқали драмага куй басталади. Ғанижон Тошматов ҳам машҳур созанда бастакор сифатида ўзининг ижодий фаолияти давомида бир неча ўзига хос куй- қўшиқлар яратди. Бир неча

ансамбллар ташшаббускори, бевосита ўзи раҳбарлик қилди. Бу етакчи санъаткорнинг педагогик мероси, кўп жиҳатдан аввалги устоз-шогирд анъанавий тизимига таянар эди. Шу билан бирга, замонавий мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашнинг методологик асоси сифатида Тўхтасин Жалиловнинг педагогик тамойилларини ўрганиш илмий асослаш ва амалиётга жорий этишдир. Шу сабабли биз масаланинг хаққоний илмий талқини замонавий педагогикага хос методологик тамойилларининг таҳлили ва шу асосда мусиқа-педагогика факультети талабаларини касбий тайёрлаш жараёнида Тўхтасин Жалиловнинг дидактик тизимларининг методологик ва педагогик имкониятларини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик. Т.Жалиловнинг педагогик мероси мусиқа фанини ўқитишнинг анъанавий тизимига асосланган бўлса-да, у ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Уни ўрганишни бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашнинг методологик асоси сифатида қараш мумкин. Шунинг учун ҳам Т.Жалиловнинг педагогик ёндашувларини илмий асослаш зарурияти туғилади.

Замонавий педагогика фанининг асосий методологик тамойиллари сифатида, маънавият ва миллий қадриятларнинг тикланиши, таълимнинг инсонпарварлиги ва демократлашувини таъкидлаган ҳолда умумтаълим мактаблари учун мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш масаласини ҳам шу тамойиллар негизда ҳал этилиши мумкин. Ўқитишнинг ягона мажмуасига ўқитувчининг ҳам шахсий, ҳам ижодий сифатларини киритиш муҳим. Шу боис нафақат керакли билим ва кўникмалар эгалланади, балки мустаҳкам ахлоқий қарашлар шаклланади, иқтидорлик мустаҳкамланади, жамиятда содир бўлаётган жараёнларга «кириб борилади» ва энг асосийси, ўша миллий маданият негизда миллий ўз-ўзини англаш қарор топади. Миллий ўз-ўзини англаш ягона мақсадгина эмас, балки умуминсоний тараққиётга ва жаҳон маданиятига кириб бориш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Бу борада устознинг педагогик фаолият усули, биринчидан, миллий маданиятнинг асосий элементлари: она тили, анъаналар, урф-одатлар, адабиёт,

фольклор, халқ турмуш тарзи кабиларни қамраб олса, иккинчидан, муомаланинг миллий характери ва одамларнинг ўзаро муносабатларига мос тушишидир.

Миллий маданият қадриятларига қизиқишни уйғониши, миллий маданият концепциясининг яратилиши замонавий педагогик назарияларнинг маънавий асоси бўлиб ҳисобланмоқда. Шунга кўра бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий, ахлоқий-психологик қиёфасини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Касбий фаолиятнинг ўзи шахс ижтимоий талабларнинг кенг мажмуасини амалга оширишга кўмаклашувчи маънавий қадрият ҳисобланади. [1.].

Педагог шахсига замонавий талаблар унинг маънавияти касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида чолғу сози асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг ижтимоий моҳияти ва касбий салоҳияти уни инсоният томонидан яратилган маънавий қадриятларга асосланганлиги билан белгиланади. Ўқитувчининг маънавияти шунчаки шахсий сифат эмас, балки айти пайтда, унинг профессионал тавсифномасидир. Педагогнинг маънавий маданияти унинг шундай шахсий элементлари, унинг касбий маҳоратини қай даражада эканлигини кўрсатиб беради. [3.].

Педагогик фаолиятда ахлоқий педагогик тайёргарлик педагогик ишнинг ютуқларини таъминловчи мураккаб шахсий таълим каби бўлиб, ўзига ғоявий ахлоқий ва профессионал қарашлар, интеллектуал сифатлар, психик жараёнларнинг профессионал-педагогик йўналтирилганлиги, ўзини-ўзи идора этиш, эмоционаллик, педагогик оптимизм, тadbirkorлик, меҳнатга қобилият, педагогик меҳнатга чанқоқлик каби меҳнат натижаларини баҳолаш ва ўзини-ўзи профессионал тарбиялашга муштоклик қамраб олади. [3.].

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари ахлоқий педагогик тайёргарликларини шакллантиришнинг муваффақияти асосан мураббий ва талаба ўртасидаги муносабат характеридан келиб чиқади. Ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштиришнинг асосий воситаси-мураббийнинг талабалар билан яқинлашув йўллари излаши ва улар билан маънавий бирлик ва психологик

алоқани топишдадир. Айниқса, бадиий- ижодий мутахассислик йўналишидаги ўқитиш амалиётида педагог ва талаба ўртасидаги ўзаро тушунишни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Шунингдек, фикр-мулоҳазаларидан ўзаро тўғри келиш имконияти мавжудлиги, мантиқан тўғри фикр юритиш, ҳиссий хусусиятларини тушуниш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таълимнинг инсонпарварлик тамойили педагогнинг талабага, шахсга ҳурмати, дўстона муҳит ва улар ўртасидаги ўзаро тушунишни назарда тутди, чунки фақатгина шундай муҳит педагогик таълим муассаси юртларида профессионал муסיқий таълимни мақсад ва муаммоларини татбиқ этиш учун муҳим психологик шароитларни яратади. Шунингдек, инсонпарварлик жараён устоз ва шогирд ўртасидаги “ўзаро шахсий педагогик муносабат жараёни” деб қаралувчи тарбияга бўлган янгича қарашни ифодалайди. Ҳамда бу муносабатда иккала томон бир хил ҳуқуқларга эга бўлади, аммо уларни амалга оширишда турли имкониятлардан фойдаланишади. [4.].

Бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ютуқлари ёки омадсизликларини баҳолаш жараёнида инсонпарварлик тамойилини татбиқ этиш талабаларга формал ёндашишларни рад этиб, абстракт мезонлар асосида уларнинг билим, қобилият ва кўникмаларини баҳолаш тушунилади.

Кўлга киритилган педагогик малакаларни тўла амалга ошириш жараёнида асосий роль профессионал жавобгарлиги ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ўзининг мажбуриятларини (профессионал жавобгарликни англаш) фурсатли бажариш муҳимлиги ўзининг роли ижтимоий моҳиятини тушуниш, ўзининг мажбуриятларини аниқ бажариш, шу вақтнинг ўзида ўзининг мажбуриятлари доирасидан чиқиб ташаббус кўрсатиш (реал жавобгарлик хулқи) фаолият ва хулқ ижтимоий муҳим мотивлар мавжудлиги, педагогика касбидан манфаатдорлиги каби тушунилади ва аниқланади. Ўқитувчи реал жавобгарлик учун ўзига ва ўзини-ўзи назорат қилишга бўлган талаб муҳим аҳамият касб этади.

Мусиқа-педагогика факультети талабаларида педагогик фаолиятга нисбатан жавобгарлик муносабатини шакллантириш шуни кўрсатадики, биринчидан,

профессионал тайёргарлик жараёни ўқув машғулотларига нисбатан жавобгарлик муносабатни шакллантиришда; иккинчидан, амалий педагогик фаолиятга нисбатан масъулият муносабатини юзага келтиришда намоён бўлади. Ушбу жараён узлуксиз ва узвий ҳарактерга эга бўлиб, ўқув машғулотларини педагогик амалиёт ва аудиториядан ташқари ишлар давомида ҳам амалга оширилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Тарнтей В.П. Замонавий шароитларда ёш мураббийларни профессионал шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик муаммолари: Дисс. ... пед. фанлар докторлари илмий доклад шаклида. Санкт Петербург-1994.
2. Мукамбаева М. М. Проф. Фаляйтида ўқитувчи маънавий маданиятини шакллантириш. Автореф. ... пед. фан. канд-М. 1994- 11 бет.
3. Кондрашева А.В. Педагогик институт талабаларини проф-л фаолияти учун ахлоқий-психологик тайёргарлигини тарбиялашнинг теоретик асослари: Автореф. пед. фанлари доктори. М. 1987-12 бет.
4. Володько В.Ф. Белорусия миллий мактабида тарбия. Теоретик-методологии асослар: Автореф.-.пед.фан.докт. -Киев. 1993.- 36-бет.
5. Юлдошев, У. Ю. (2020). РОЛЬ АРТИКУЛЯЦИИ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЕ МАКОМА. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 87-89).
6. Юлдошев, У. Ю. (2019). Муסיқа ўқитувчиси мутахассислигининг замонавий модели ва профессиограммаси. Современное образование (Узбекистан), (9 (82)), 47-53.
7. Yuldoshev, U. (2023). EFFECTIVENESS OF SPIRITUAL AND ETHICAL EDUCATION OF STUDENTS THROUGH CULTURAL AND ARTISTIC EVENTS. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 3(12), 342-345.
8. Yuldoshev, U. (2018). Problems of Choosing Methods and Technologies in Musical Pedagogics. Eastern European Scientific Journal, (2).